



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЭКСПОРТИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев мева-сабзавотчилик ва озиқ-овқат тармоғини ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

2023 йилда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги 4,1 фоиз ўсган. Бу соҳадаги экспорт қарийб 2 миллиард долларни ташкил этган. Лекин мавжуд салоҳият бундан анча юқори.

Шу боис, давлатимиз раҳбари 18 январь кuni экспорт ва саноат масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида мева-сабзавотчиликка доир вазифаларни ҳам кўрсатиб ўтган эди. Хусусан, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигига янги салохиятли бозорлар топиш, экспортбоп маҳсулотлар экилишини ташкиллаштириш бўйича ҳам масъулият белги-ланди.

Агентлик томонидан ўсимликларни зарари унсурлардан ҳимоя қилиш, фитосанитар тоза маҳсулотлар етиштириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича тизимли ишлар қилинмоқда. Жумладан, худудлардаги стационар ва мобил лабораториялар орқали 1 миллион 40 минг гектар ернинг гуноҳли таҳлили ўтказилиб, минерал ўғитларни қўллаш меъёри илмий асосда белгилаб берилди. Соҳада 7 та янги ахборот тизими жорий қилиниб, 40 та йўналиш рақамлаштирилди.

Халқаро ташкилотлар ва молия институтларининг 20 миллион долларга яқин грант маблағлари жалб этилиб, лаборатория ва ускуналар янгиланди. Дала ва боғларга кимёвий

ишлов бериш, импорт ва экспорт маҳсулотларини экспертизадан ўтказиш изчил давом эттирилмоқда.

Бундай чора-тадбирлар мева-сабзавотларимиз сифати ва хавфсизлигида муҳим омил бўлмоқда. Сўнгги йилларда 80 та давлатга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти учун 620 та фитосанитар рухсатлар олинди, улар билан электрон маълумотлар алмашинуви йўлга қўйилди. “GSP+” тизими доирасида 200 минг гектар майдон халқаро талабларга мослаштирилди.

Йиғилишда жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар муҳокама қилинди.

Мутасаддилар соҳадаги ишлар кўламини кенгайтириб, бу йил қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини 3,5 миллиард долларга етказиш мумкинлигини айтди.

Бунинг учун, аввало, мева-сабзавотлар, полиз экчилари, узум ва дуккаки маҳсулотлар етиштириш кўпайтирилди. Худудларда яна 20 та мобил лаборатория ташкил этилиб, “uzagrolab.uz” электрон платформасига интеграция қилинди. Пестицидлар муомаласидаги барча жараёнлар рақамлаштирилиб, сифатсиз пестицидларнинг юртимизда олиб келиниши ва ноқонуний савдосига барҳам берилди.

6 мингта боғ, 3 мингдан зиёд тоқзор ва дала майдонлари, 344 та қадоқлаш

корхонаси хорижий фитосанитария талабларига мувофиқлаштирилади. Юқори самарали энтомофаглар олиб келиниб, зараркунанда ҳашаротларга қарши янги турдаги биологик кураш йўлга қўйилди.

Халқаро ҳамкорликни кучайтириш орқали экспорт ҳажмлари нисбатан қиммат бозорларга йўналтирилади. Шунингдек, яна 8 та давлатга фитосанитар рухсат олинади. Мева-сабзавотчиликка ихтисослаштирилган халқаро кўргазмаларда экспортчи корхоналаримиз иштироки кенгайтирилиб, аниқ буюртмалар шакллантирилади. Фарғона, Самарқанд ва Тошкент халқаро аэропортлари худудда мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишга қаратилган замонавий инфратузилмалар ташкил этилади.

Хориж тажрибаси асосида ўсимликлар ҳимояси ходимларининг малакаси оширилади. Халқаро экспертларни жалб этган ҳолда ҳар бир маҳсулотни етиштириш, сақлаш, қадоқлаш ва етказиб бериш бўйича қўлама ишлаб чиқилади.

Давлатимиз раҳбари озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, экспортбоп маҳсулотлар етиштириш бўйича кўшимча топшириқлар берди.

Ў.А.

Мулоҳаза

ЭЛЕКТРОН СИГАРЕТАЛАРДАН ҚАЧОН ВОЗ КЕЧАМИЗ?

Дунёдаги энг қиммат бойлик — саломатлик.

Уни асраш ўз қўлимизда.

Бугун дунёда оммалашаётган электрон сигареталар чекиш эпидемиясидан Ўзбекистон ҳам четда эмас. Ушбу зарарли одатга ўрганаётганларнинг аксариятини ёшлар ташкил этаётгани янада таъбишти.

Хушбўйлантувчи моддалар болалар, ёшларнинг тамаки маҳсулотларини чекишга иштиёқини оширадиган асосий сабаблардан биридир. Чунки улар никотинли аэрозоль (тутун)нинг ёқимсиз таъминини яширади.

Тамаки саноати ароматизаторлар сифатида турли табиий ва сунъий вониталардан фойдаланади. Улардан фойдаланиш айнан мазкур маҳсулотни унга таъм ва хушбўйлик бериш йўли билан фаол ва потенциал кашандалар кўзи олдига жозибали қилишга қаратилган. Ширинликлар, сақич ёки озиқ-овқат маҳсулотларини эслатадиган таъм берувчи моддалар электрон сигаретанинг бемаза таъминини ниқоблайди, истеъмолчи соғлиғи учун фойдали ёки унга қувват беради, деган тасаввур ҳосил қилади.

— Электрон сигареталар суяқликни аэрозоллар ҳосил бўлганича қиздиради, фойдаланувчи шу аэрозолдан нафас олади. Электрон сигареталар учун ушбу суяқликлар таркибиде никотин

(аммо тамаки эмас!) ва бошқа қўшимчалар, хушбўйлантувчи ва одам соғлиғи учун захарли кимёвий моддалар бўлади, — дейди Саломатлик ва стратегик ривожланиш институти мутахассиси Шуҳрат Шукуров. — Электрон сигареталарда ишлатиладиган ароматизаторларнинг сони 7500 дан ортқ. Баъзи бозорларда 16 мингта яқин бетақор таъмин топса бўлади, уларнинг аксарияти болаларга ёқади. Чунки хушбўйлантувчи моддалар никотинли аэрозолнинг анчққ ёқимсиз таъмин ва ҳидини яширади, инсоннинг биринчи марта электрон сигареталарни татиб кўриш ҳақидаги қарорида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ароматизаторлар электрон сигареталардан фойдаланишни ёқимлироқ қиладиган шароитларни таъминлайди — аэрозоллар нафас олишни енгилаштиради ва электрон сигарета чекишнинг зарарини сездирмайди.

Халқаро амалиётда аҳоли, айниқса, ёшлар ва аёллар соғлигини муҳофаза қилиш ва электрон сигарета(вейп)лар чекишни қисқартириш мақсадида кескин чоралар кенг қўланилмоқда. Бундай ёндашувни қўллаётган мамлакатлар сони ортмоқда. Узоққа бормайлик, яқинда Қозоғистон парламенти хориждан электрон сигарета(вейп)лар олиб кириш, ишлаб чиқариш ва сотишни тақиқловчи қонунни қабул қилди.

2022 йилда сайёрамиз бўйича 20 миллиондан ортқ саратонга чадинган бемор ва 10 миллионга яқин ўлим ҳолатлари қайд этилди. Онкологик касалликлардан ўлим сабаблари орасида ўпка саратони етакчилик қилган — 18,7 фоиз. Бу дард 1,8 миллион кишининг ҳаётига зомин бўлди.

Ана шундай ноҳуш ҳолатларнинг олдини олиш учун Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти 2023 йил декабрь ойида электрон сигарета истеъмоли, реализацияси ва тарғиботини назорат қилиш ҳамда тартибга солиш юзасидан ҳукуматларга шошилинч тавсиялар берди.

Шундай экан, бугун олдимизда битта савол турибди: биз электрон сигареталардан қачон воз кечамиз?

Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ЎЗБЕКИСТОН СТРАТЕГИЯСИ | 2030

МЕРИТОКРАТИЯ, ҚАЛОЛЛИК ВА ПРОФЕССИОНАЛЛИК

ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ



Мамлакатимизда ҳар бир йилга ўзига хос ном бериш, шу асосда дастурлар ишлаб чиқиб, унда белгиланган вазифаларни ўз вақтида бажариш орқали халқимиз турмуш шароитини яхшилаш, юртимиз тараққиётини юксалтиришга хизмат қиладиган улкан бунёдкорлик ишларини бажариш эзгу таомилга айланди. Ўтган йилларда бу борада катта тажриба орттирилди ва мазкур жараён йилдан-йилга такомиллашиб келмоқда.

Жорий йил Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили, деб эълон қилиниши бу хайрли анжанининг узвий давоми ҳисобланади. Шу кунларда “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисидаги Президент фармони лойиҳаси жамоатчилик томонидан қизгин муҳокама қилинмоқда.

Ёшлар ҳар бир давлат ва миллатнинг келажаги, эртанги кунимизнинг ҳаракатлантувчи кучи. Шу боис, ёшлар масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Юртимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатини ҳимоя қилиш, жаҳон андалазлари даражасида таълим олиши ва ҳар томонлама баркамол улғайиши учун зарур шароит яратишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Бу борадаги ишларни замон талаби

асосида ташкил этиш бўйича мустақкам ҳуқуқий база яратилган ва бу тизим такомиллаштирилмоқда.

Хусусан, таълим-тарбия тизимида туб ислохотлар олиб борилмоқда. Айни вақтда таълим, жумладан, ижтимоий соҳа учун харажатлар миқдори давлат бюджети харажатлари умумий қийматининг салмоқли қисмини ташкил этмоқда. Табиийки, ҳар қандай давлат ҳам бундай катта харажатларни кўтара олмайди. Қанчалик оғир бўлмасин, юртимизда бунинг учун зарур маблағ ва ресурслар излаб топиляпти. Давлатимиз раҳбари мазкур харажатларни харажат эмас, балки келажақ учун йўналтирилган энг самарали сармоя ҳисоблаб, таълим ривожига эътиборни йилдан-йилга кучайтирмоқда.

► Давоми 3-бетда

ЎЗИНИ ЎЗГАРТИРА ОЛИШ САОДАТИ

БУГУННИНГ ГАПИ

Ватанпарварлик инсоннинг ўз она юрти, ошёнига муҳаббати ва садоқатини ифодалайдиган тушунча, барча кишилар, халқлар, миллатлар учун умумий бўлган, асрлар давомида сайқалланиб келган умуминсоний туйғу, маънавий қадрият. Тарихий жиҳатдан ватанпарварлик кишиларнинг ўз ватани тақдирини билан боғлиқ ижтимоий ривожланиш, халқларнинг ўзи яшаётган худуд дахлсизлиги ва мустақиллиги йўлидаги кураши жараёнида такомиллашиб келган ҳис-туйғулар жамланмаси ҳамдир. Бу ватаннинг ўтмиши ва ҳозирги билан фахрлини, манфаатларини ҳимоя қилишда намоён бўлади.

Бугун биз бевосита ва билвосита гоёвий-мафкуравий курашлар замонида яшаймиз. Демак, гап Ватан манфаати, эмин-эркин миллат, юрт тақдирини ҳақида борганда, унинг шаъни, қадр-қиммати, манфаати ҳимояси, дахлсизлиги фақат давлат раҳбари ёки бирор масъул лавозимда ўтирган кишининггина эмас, балки шу маконни Ватан деб тан олган барчанинг зиммасидаги муқаддас бурж, шарафли масъулиятдир. Шу билан бирга, ватанпарварлик ёлғиз ўз ватанига меҳр

қўйишдангина иборат эмас. Бу жуда катта, қўламдор туйғу. У ватан билан ўзини яхлит-бутун деб билиш, яхши-ёмон кунда яраш, асқатишни ҳам ифода этади.

Бир мулоҳаза қилиб кўрайлик: Ватан билан бир бутун бўлиш учун бизга нима етишмайди? Ватаннинг яхши-ёмон кунда елкадош бўлишимизга ким ёки нима халал беради? Ҳар икки ҳолатда ҳам жавоб битта — ўзимиз. Фақат ўзимиз!

► Давоми 2-бетда

Шароит тақозо этаётган иш тутуми 2

Орализдаш одаллар Бир ҳикмат ва бир ибрат 5

БИРЛАШСАК — ВАТАНМИЗ! 5

Нуқтаи назар

ЎЗБЕКИСТОНГА ДАХЛДОР ВОҚЕАЛАР НИМА УЧУН ДУНЁДА КАТТА ҚИЗИҚИШ УЙҒОТМОҚДА?



Жасурбек ОТАНИЕВОВ, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Президентимиз Шавкат Мирзиёев давлат ташири билан шу йилнинг 23-25 январь кунлари Хитой Халқ Республикасида бўлди. Мазкур ташир тафсилотлари, воқеалар, унда олиб борилган музокара, дунё сиёсий доиралари вакилларидан тортиб, оддий одамларгача катта қизиқиш билан кузатиб борилди.

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, нима учун бугунги Ўзбекистонга дахлдор воқеалар, хусусан, Президентимизнинг бошқа давлатларга таширлари дунёнинг етакчи нашларида кенг ва тахлийий ёриштирилди? Унинг ҳар бир жиҳатини ўз ахборот манбасига биринчи жойлаштиришга ҳаракат қилади? Фикримизча, бунинг асосида Ўзбекистоннинг феолиги, бугунги глобал ўзгаришлар шароитида мамлакатимизда олиб борилаётган прагматик ички ва ташқи сиёсат турибди.

Навбатдаги ташир ҳам ана шундай бой дастур ва амалий ҳаракатларда кўзга ташланди. Икки мамлакат алоқалари кенг қиррали бўлиб, энергетика, транспорт-логистика, соғлиқни сақлаш, таълим, савдо, ижтимоий хавфсизлик масалалари ҳам шулар сирасидан.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ҳамкорлик доирасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни чуқурлаштиришга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилган чора-тадбирлар жумласига инвестицияларни рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги ҳамда даромаддан олинган солиқларнинг иккиқатламли қўлланилишига йўл қўймаслик тўғрисидаги битимлар имзолангани, мамлакатлар ўртасидаги ўзаро савдога энг қулай давлат режими ўрнатилгани каби лари киритилиши мумкин.

“Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасида Ўзбекистон ва Хитой ўртасида жуда самарали алоқа йўлга қўйилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бир қатор давлатлараро, ҳукуматлараро, идоралараро битимлар сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш учун зарур ҳуқуқий асос яратмоқда. Саноат кооперацияси, инфратузилмани модернизация қилиш, транспорт, фармацевтика, телекоммуникация соҳаларида, қўшма юқори технологияли саноат парклари ташкил этиш лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Мамлакатларимиз ҳудудлари ва тадбиркорлар ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқалар ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Юқори даражадаги ишонч ва муҳим шерикчиликка асосланган ўзаро

муносабатлар узоқ ўтмишга, яъни Буюк ипак йўли даврига бориб тақаллади.

ИҚТИСОДИЙ ЗАНЖИРНИ ҚУРИШ ТАШАББУСИ

Қадимий Буюк ипак йўлини қайта тиклаш ва ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилган “Бир макон, бир йўл” доирасида кўрилатган чоралар савдо-иқтисодий алоқаларни кўламни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки Марказий Осиё, Европа ва Африка минтақасида жойлашган 70 дан ортиқ мамлакатни ўзаро боғловчи мавжуд

қали “Бир макон, бир йўл” ташкил қилиш борасида узоқ муддатли стратегик режалар сифатида илк бор илгари сурилди. Бундан кўзланган асосий мақсад Буюк ипак йўли доирасида қўшни давлатлар билан ҳамкорликда “иқтисодий занжирни қуриш” эди. Шу мақсадга эришиш йўлида тўртта йўналиш — сиёсий маслаҳатлашувлар, транспорт инфратузилмаси, савдонини оsonлаштириш ва пул муомаласи масалалари қамраб олинди. Хитойнинг ҳар томонлама стратегик шериги сифатида Ўзбекистон “Макон ва йўл” ташаббусини биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлади.

Ҳозирги кунда Хитой ташаббуси ўзининг дастлабки қаровидан фарқли равишда анча кенгайди, географик жиҳатдан дунёнинг деярли барча минтақаларини қамраб олди. Унинг тарафдорлари бўлган

транспорт соҳасидаги мавжуд имкониятлардан тўлақонли фойдаланиш нафақат минтақавий, балки глобал даражада барқарорликка эришишда муҳим омил ҳисобланади. Айниқса, охириги йилларда “Бир макон, бир йўл” асосида Хитой олиб бораётган сиёсат Ўзбекистон сиёсати билан ҳаммаҳалликда ҳамда кейинги йилларда икки мамлакат ўртасидаги дўстлик алоқалари, минтақадаги тинчлик ва барқарорликни таъминлашдаги ташаббуслари эътиборга молик.

Бу давлат ташири чоғида имзоланган ҳужжатларда ҳам ўз аксини топди.

Икки мамлакат ўртасида эркин савдонини кенгайтириш, инфратузилмани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани мамлакатларнинг фаол ҳамкорлигини кучайтирмоқда. Бу эса, ўз навбатида, мавжуд ресурслардан тўлақонли фойдаланиш, халқаро таъминот занжирларини ва иқтисодий интеграциялашувини мустаҳкамлашга қулай шароит яратди. Хусусан, “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” транспорт йўлиги ишга тушиши, шуёҳасис, мамлакатимиз иқтисодиётига катта фойда келтиради. Ўзбекистон учун транзит ҳақи таъминланади, кейинчалик бошқа давлатларга маҳсулотлар экспорт қилиш учун қурилган корхоналарда янги иш ўринлари яратилиши баробарида, давлат бюджетига тушум сезиларли даражада кўпаяди.

204 ҲАМКОР ДАВЛАТ, БУНДА ХИТОЙНИНГ АЛОҲИДА ЎРНИ БОР

Ўзбекистон жаҳондаги 204 мамлакат билан савдо алоқаларини амалга ошириб келаётган бўлса, 2023 йилда мамлакатимиз умумий ташқи савдо айланмасининг қарийб тўртдан бири, яъни 21,9 фоизи айнан Хитой улусига тўғри келган.

Хитой Ўзбекистон иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш бўйича дастурларни амалга ошириш, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда саноатнинг экспорт салоҳиятини юксалтиришда фаол иштирок этмоқда. Мамлакатлар ўртасидаги инвестициявий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш натижасида Хитойнинг Ўзбекистон иқтисодиётига киритган инвестицияси ҳажми 14 миллиард АҚШ долларидан ортиди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда Хитой капитали асосида 2400 га яқин корхона фаолият юритаётган бўлиб, бу мамлакатимиздаги мавжуд чет эл капитали иштирокидаги барча компаниялар умумий сонининг 15 фоизини ташкил этади. Утган йилда Хитой капитали иштирокида 600 дан ортиқ янги корхоналар ташкил этилди. Жумладан, Ўзбекистон бозорига Хитойнинг “Huawei”, “ZTE”, “Wenzhou Jinheng Trading”, “СП Peng Sheng”, “Sinotruk”, “Heng Bang Textile Central Asia” ва бошқа йирик компаниялари фаолият юритмоқда.

Ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ кенг қўламли масалалар, имзоланган ҳужжатлар ва эришилган келишувлар Ўзбекистон — Хитой муносабатлари ривожланиши янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади. Истиқболда минтақавий даражадаги иқтисодий ўсишни барқарорлаштириш ва тараққиётни рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этади.



иқтисодий йўлаklarни янада такомиллаштириш, янги транспорт ҳамда савдо йўллари яратишни кўзлаган бу ташаббус Ўзбекистоннинг мақсадларига тўла мос келади.

Дарҳақиқат, глоблалашув шароитида халқаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва жаҳон мамлакатларининг ўзаро интеграциялашувини кучайтириш миллий тараққиётни таъминлашнинг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Негаки, мамлакатлар ўртасидаги интеграциялашувининг кучайиши маҳсулотлар, хизматлар, капитал ва ишчи кучлари билан жадал алмашинув жараёни ривожланиши, ижтимоий масалаларни биргаликда ҳал этиш имконияти юзага келиши, юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, иқтисодий ўсиш суръатлари жадаллашуви, халқаро савдо муносабатларида қулай шароитлар яратилиши ҳамда янги технологиялар кенг жорий этилишига имкон яратди.

Ўзбекистоннинг жаҳон мамлакатлари билан иқтисодий интеграциялашуви миллий иқтисодиёт самарадорлигини оширишнинг муҳим омилли ҳисобланади, шунингдек, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, миллиятлар ва эллардан яқинлашуви, аҳоли турмуш даражасини оширишга ёрдам беради.

“Бир макон, бир йўл” ташаббуси ҳам айнан шу мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятли. У денгизга тўғридан-тўғри чиқиш йўлига эга бўлган давлатлар билан ҳам, қитъанинг ичкарисида жойлашган мамлакатлар билан ҳам интеграция лойиҳаларини амалга оширишни назарда тутди. Ушбу ташаббус 2013 йилнинг сентябрь ва октябрь ойларида ХХР раиси Си Цзиньпин томонидан Қозғистон ва Индонезияга амалга оширилган таширлари давомида ХХI асрда Ипак йўли ва Денгиз ипак йўли иқтисодий маконни қисқача номлаш ор-

мамлакатлар минтақавий жиҳатдан ноёб табиий ресурслар, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар, янги инновацион ишланмалар, малакали ишчи кучи ҳамда инсон капитали, технологик имкониятлар мавжудлиги борасида юқори салоҳиятга эга.

Кейинги йилларда темир йўллардан, денгиз портларидан ва рақамли инфратузилмалардан фойдаланиш бўйича ҳамкорликнинг кенгайиши кузатилди. Шунингдек, савдо-иқтисодий ва молиявий алоқаларни янада ривожлантириш каби йўналишларда ҳамкорлик бошланди. Ушбу жараёнларнинг самарадорлигини ошириш учун Осиё инфратузилма инвестициялари банки, Ипак йўли жағмармаси ва маҳаллий валюталардан бошқа кредитлаш механизмлари фаолиятга кирди. Илмий-инновацион, маданий-маърифий соҳаларда ҳам ўзаро алмашинувлар, фойдали алоқалар шаклланиб, ривожланиши йўлига ўтди.

Мамлакатимиз ташқи сиёсатининг мазмун ва моҳияти тинчликпарварлик, яхши кўнчилик алоқаларига қаратилган бўлиб, бу жараёнда ўзаро умумий манфаат тамойили уйғундир. Шунингдек, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган мақсад ва вазифаларни муваффақиятли амалга оширишда ҳам халқаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон томонидан ўзаро манфаатли ҳамкорликни таъминлашга хизмат қиладиган кўп томонлама муносабатларни кенгайтириш бўйича илгари сурилган барча тақлид ва ташаббуслар минтақадаги ижтимоий-иқтисодий барқарорлик ҳамда ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнамоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон — Хитой ўртасидаги ўзаро савдо-иқтисодий ва инвестициявий муносабатларни кенгайтириш,

Бугуннинг гапи

Гулруҳ АГЗАМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты



Давлатимиз раҳбарининг “Янги давр учун янги ғоя ва ташаббуслар керак, янги натижалар керак. Шундагина у том маънода янги давр бўлади”, деган таъкиди замирида оддий, содда, халқона фалсафа ётибди. Бу сўзлар хушёрликка чақиради, танбаллик, бефарқлик ва лоқайдликка барҳам беради. Ҳар биримизни ташаббускорлик, бунёдкорлик ва яратувчанликка ундайди. Ҳамма бир-бири учун жавобгар, ҳамма бир-бири учун масъул бўлади.

ЎЗИНИ ЎЗГАРТИРА ОЛИШ САОДАТИ

Бошланиш 1-бетда

Тўғриси ҳам шу. Даҳолар, алломалар авлодиданмиз, деб кўксимизга урамиз-у фарзандларимизнинг камолотини пулга чақиб, коррупцияга ошно қиламиз. Темурубеклар издошимиз, десак-да, ҳарбийларни қаҳрамон сифатида билмаймиз. Хотин-қизларимизни миллат онаси, деб кўкларга кўтарганимиз ҳолда “Ўқиб шаҳар олиб бераримиз?”, дея қизимизнинг орзуларини армонга айлантирамиз.

Юксак маънавиятни тарғиб қила туриб, оддий маданиятга ривожлантириш, иқтисодиётни ривожлантириш, деб жар солиб, “яширин иқтисодиёт”ни зимдан қўллаб-қувватлаш, қурилишга ажратилган пулдан уриб, чўнтақ қапайтириш, ҳавода “муаллак” уйлар куриб, содда юртдошларни чув тушириш масъулиятсизлигимиз оқибати экани бугуннинг аччиқ ҳақиқати.

Маънавияти, маърифати ва маданияти, иқтисодиёт ва инвестициялар, мамлакатимиз мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучларни ривожлантириш, уй-жой қурилиши, коммунал хўжалиги, транспорт ва экология масалалари муҳоказасига доир қатор йиғилишларда айнан мана шу каби долзарб муаммолар таҳлил қилиниди, танқидий фикрлар билдирилди, истиқболли режалар белгиланди.

Бу каби чуқур таҳлиллар асосланган муайян соҳалар бўйича комплекс ишлаш формати ҳам йил сарҳисоби бўйича янги услубдир. Бир қарашда ҳаммаси оддийдек туюлади: кенг қамровли ислохотлар бошланди. Замон талаби билан ушбу ислохотлар жадаллашди. Халқ иродаси ва хоҳиш-истаклари рўёби учун кенг йўл очилди, одамлар ҳаёти ўзгарди ва бу жараён давом этмоқда. Қарангки, бунинг натижасида режаларимиз, мақсад ва орзуларимиз ҳам анча улканлашди. “Биз бир бўлсак — ягона халқимиз, бирлашсак — Ватанмиз” ибораси ширимизга

айланди. Аммо бу ўз-ўзини бўлиб қолмади ёки четдан келиб, биров қилиб бермади. Тан олиш керак, бу нийҳатда заҳматли ва машаққатли йўлдаги тинимсиз меҳнат, тўхтовсиз изланишлар, ўзини қийнаш ва албатта, халққа хизмат қилишни улкан шараф, деб билган раҳбарнинг оқилона сиёсати самарасидир.

Осон эмас. Айниқса, бугун мамлакатимизга халқаро майдонда катта ишонч пайдо бўлаётган, ўзбек аталмиш халқ катта йўлга чиқиб, ўзининг аниқ йўналишини белгилаб, халқаро ҳамжамият орасида обрў-эътибор топиб бораётган бир пайтда озгига кучи етмаган, миллиятимиз тарихини билмаган, тарих харитасидан қидириб топишда саводсизлигини очикчасига кўрсатиб, босим ўтказишни мақсад қилиб қўйганларга муносиб жавоб беришимиз керак. Бу борада, албатта, бизга жадид боболаримизнинг “Тилда, фикрда, ишда бирлик” деган ибораси шунинг бўлиши зарур. Шундагина бундай гоавий курашларда голий бўламан.

Давлатимиз раҳбарининг “Янги давр учун янги ғоя ва ташаббуслар керак, янги натижалар керак. Шундагина у том маънода янги давр бўлади”, деган таъкиди замирида оддий, содда, халқона фалсафа ётибди. Бу сўзлар хушёрликка чақиради, танбаллик, бефарқлик ва лоқайдликка барҳам беради. Ҳар биримизни ташаббускорлик, бунёдкорлик ва яратувчанликка ундайди. Ҳамма бир-бири учун жавобгар, ҳамма бир-бири учун масъул бўлади.

Дарҳақиқат, ташаббус бор жойда натижа кутилади. Натижа қанчалик аниқ ва ҳаётий бўлса, эртанги кунга ишонч ошади, розилик бўлади. Янги Ўзбекистонни кирош ва унда яшаш йўли Президентимиз афсонада биллашиш, яқдил бўлиш шарт. Ўз навбатида, ўзини ўзгартира олган халқ елкасига миллат ва давлат тақдири, Ўзбекистон аҳолисининг истиқболи билан боғлиқ мажбурият юкланади. Zero, “хар қайси инсоннинг қалбида кўёш бор, фақат унга нур сояши имконини бериш керак”.



Ислохотлар самараси

ШАРОИТ ТАҚОЗО ЭТАЁТГАН ИШ ТУТУМИ

Бугун дунёда сув танқислиги оқибатларидан азият чекаётган минтақа ва давлатлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Афсуски, улар орасида Ўзбекистон ҳам бор. 2050 йилгача сув ресурслари Сирдарё ҳавзасида 5 фоизгача, Амударё ҳавзасида 15 фоизгача камайиши ҳисоб-китоб қилинган муаммо қанчалик жиддийлигини англатади. Шу боис, мамлакатимизда сувдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда.



Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва йўқотишларни камайтириш мақсадида Қорақалпоғистонда 267,7 километр канални бетонлаш ва реконструкция қилиш белгиланган. Шундан келиб чиқиб, айни пайтда Хўжайли туманидаги Ширинжап каналда бош пудратчи “Бунёдкор Жанубий

СКБ” МЧЖ томонидан тупроқ-бетонлаш ишлари бажарилмоқда. — Канал сўғориш мавсумигача бетонланади, — дейди Хўжайли тумани ирригация бўлими бошлиғи Эркин Холмуротов. — Очиги, ушбу канал 1993 йилда фойдаланишга топши-

рилган бўлса-да, ўтган давр мобайнида айтарли ҳеч иш қилинмаган. Оқибатда канал туби лойка босиб, қирғоқлари емирилиб, сув ўтказиш қобилияти пасайиб, фойдали иш коэффициенти ҳам 65 фоизгача тушиб кетганди. Бу эса ушбу канал орқали фермер ерлари ва аҳо-

ли томорқаларини қафолати сув билан таъминлашда муаммоларни юзага келтираётган эди. Канал Суенли магистрал каналдан сув олиб, Хўжайли туманидаги “Мустақиллик”, “Саришунгул” ва “Амударё” овул фуқаролар йиғинлари ҳудудида етказиб беради.

Таъмирлаш ишлари якунланган, йилига ўртача 1,5 миллион куб метр сув иқтисод қилиниб, 23 та фермер хўжалигининг 1670 гектар ери қафолати сув билан таъминланади.

Сув тақчиллиги йилдан-йилга кучайиб бораётган ҳозирги шароитда барчани сувни исроф қилмасликка, обихаётни тежашга даъват қилиш керак. Қорақалпоғистон учун бу, айниқса, жуда муҳим. Бу ишлар доирасида Хўжайлидаги Ташлижап канали ҳам бетонлаштирилган. Каналнинг лойиҳадаги сув ўтказувчанлиги секундига 5 куб метрни ташкил қилган. Ҳозир эса у секундига 2,5 куб метр сув ўтказа олади, холос.

— Шу боис, каналнинг 3 километрида тупроқ ишлари якунланиб, бетонлашга киришилди, — дейди “Қорақалпоғистонсувкучиришишнинг” давлат корхонаси мутахассиси Сирожиддин Реймбоев. — Реконструкциядан кейин каналнинг фойдали иш коэффициенти 80-82 фоизга, сув ўтказувчанлиги аввалги ҳолига қайтди. Худуддаги 35 та фермер хўжалиги ва аҳолининг 2300 гектардан ортиқ томорқаси ана шу ишлар якунига қараб турибди.

Бугунги кунда Қорақалпоғистонда сўғориладиган ер майдони 517 минг гектарни ташкил қилади. Уларга 20 минг километр узунликдаги каналлар орқали сув етказилади.

Кейги туманида ҳам сувдан самарали фойдаланиш мақсадида ички ариқлар бетонланмоқда. Ўтган йиллар давомида экин майдонлари учун ажратилган сувнинг 40 фоизи ери остига сингди кетиши аниқланган. Туманда жами 60 километр ариқни бетонлаш режалаштирилган бўлса, айни пайтгача 12 километрида шундай юмушлар бажарилди.

Қишлоқ хўжалигида ерни лазер ёрдамида текислаш сўғоришда 25 фонзгача сувни иқтисод қилади. Таҳлиллар, ўрганишлар хулосаси шундай. Демак, фермерлар жараёнда замонавий услублардан қанчалик унумли фойдаланса, сув муаммосига шунчалик кам дуч келади. Шу боис, Кейгили туманида жорий йил ҳосили учун 397 гектар пахта майдони лазерли ускуналар ёрдамида текисланди.

Қорақалпоғистонлик деҳқону сувчилар соҳада электр энергиясидан самарали фойдаланиш вақт ва маблағ жиҳатдан анчагина самара беришини яхши тушуниб, бунга ҳам жиддий эътибор қаратмоқда. Zero, бу шароит тақозо этаётган иш тутуми.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

ЎЗБЕКИСТОН СТРАТЕГИЯСИ 2030

ДАВЛАТ ДАСТУРИГА ТАКЛИФ БЕРДИНГИЗМИ?

ЛОЙИХАДА АСОСИЙ ЭЪТИБОР ЁШЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ҚАРАТИЛЯПТИ

Кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилган "Ўзбекистон — 2030" стратегиясини "Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили" да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони лойиҳасида стратегиянинг 5 та йўналиши бўйича 2024 йилда амалга ошириладиган чора-тадбирлар ва ишлаб чиқиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати белгиламоқда.

Ҳужжат лойиҳасида ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-иқтисодий, экология, давлат бошқаруви, суд-ҳуқуқ, хавфсизлик ва ташқи сиёсат йўналишларида 2024 йилга мўлжалланган ислохотлар назарда тутилган.

Айни кунларда давлат дастури лойиҳаси юртдошларимиз томонидан қизгин ўрганилиб, таклифлар билдирилипти. Лойиҳалар кенг жамоатчилик ва экспертлар томонидан жорий йилнинг 9 февраль кунига қадар муҳокамадан ўтказилади.

— Ҳужжат лойиҳасида иккита асосий йўналиш белгиламоқда, — дейди "Тараққий стратегияси" маркази ижрочи директори Элдор Туляков. — Биринчиси, амалий — ҳар бир вазирлик ва идора томонидан йил давомида амалга ошириладиган аниқ манзилли тадбирлар. Иккинчиси, ислохотларни ҳуқуқий тартибга солиш йўналиши. Ундан 2024 йилда қабул қилиниши режалаштирилётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати жой олган.

Мазкур ҳужжат лойиҳасини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказишдан асосий мақсад уни фуқаролар, халқроқ экспертлар, тегишли вазирлик ва идоралар мутахассислари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институти вакиллари таклифларини инобатга олган ҳолда янада такомиллаштиришдан иборат. Жамоатчилик муҳокамаси учун шундай қулайлик яратилганки, уйдан чиқмаган ҳолда ўз таклиф ва муносабатини билдириши мумкин. Экспертлар, турли соҳа мутахассислари бераётган таклифлар ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Лойиҳа эълон қилинганига ҳали кўп бўлмади, аммо биринчи кунлардан кўп юртдошларимизнинг фаоллиги сезилди. Буни давлат дастури лойиҳасига билдираётган таклифлар сони охири бораётганида ҳам кўриш мумкин. Бу ҳамюртларимизнинг эртанги кунга, юртимизнинг яна обод ва фаровон бўлишига, мамлакат келажакига ўзларини бевоқиф қилмаган ҳолда қўллаганидан далолат.

Таъкидлаш жоизки, "Ўзбекистон — 2030" стратегияси 5 та асосий йўналиш, 100 мақсадни ўз ичига олади. Ана шу 100 мақсаднинг айнан 44 таси ҳар бир инсонга ўз соҳага қарши рўёбга чиқариш учун муносиб шaroит яратишга қаратилган. Бунда инсон капитални биринчи ўринга қўйилган. Шу билан бирга, ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш, илм-фан, таълим, ижтимоий ҳимоя, соғлиқни сақлаш каби катта бир йўналиш қамраб олганини кўриш мумкин.

— Аввало, лойиҳадаги таълим соҳасига оид баъзи бир муҳим жиҳатларга тўхталиб ўтиш жоиз, — дейди "Тараққий стратегияси" маркази бўлим бошлиғи Жамшид Шарипов. — Лойиҳада Президент ва иштирослашган мактаблардаги синов ўтказиш тажрибасини мингта мактабга жорий этиш назарда тутилган. Уларнинг амалий машғулотлар даражаси, яъни предметлар бўйича машғулотларнинг 60 фоизини ташкил этиш масаласи белгиламоқда. Ёки она тили, адабиёт, тарих фанлари бўйича Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридagi Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигининг миллий баҳолаш тизимида олинган тегишли даражадаги сертификатга эга бўлган ўқитувчиларнинг тариф ставкасини нисбатан 50 фоиз миқдорда ҳар ойлик қўшимча устама тўлашсини белгилаш ҳам кўзда тутилган.

Яна бир муҳим янгилик — "Менинг мактабим" лойиҳаси жорий қилинмоқда. Бунда ҳар бир мактабга базавий ҳисобланган нисбатан 150 баробари миқдорда маблағ ажратилиб, 5-11-синф ўқувчилари танловига кўра, электрон доска, компьютер, спорт жиҳозлари, китоблар каби мактаблар учун керакли жиҳозларга сарфланиши белгилянапти. — Давлат дастури лойиҳасининг асосий қисми ёшлар масаласига қаратилган, — дейди Ёшлар ишлари агентлиги бошқарма бошлиғи Шерзод Олимов. — Айни пайтда келаётган таклифларнинг асосий қисми айнан ёшлар томонидан билдирилмоқда. Бу эса уларнинг мамлакатимизда бугунги кунда кечаётган ислохотлар ва кузатилаётган



Давлат дастури лойиҳаси муҳокамада МЕРИТОКРАТИЯ, ҲАЛОЛЛИК ВА ПРОФЕССИОНАЛЛИК ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ

“ Давлат дастури лойиҳасида ҳар бир соҳа ва тармоқ ривожига оид ана шундай қўллаб-қувватлаш асосида амалга оширишга асосий эътибор берилган. Умумхалқ муҳокамалари қизгин кечаётган шу кунларда бу масалалар юзасидан турли фикр-мулоҳазалар, таклифлар билдирилмоқда. Ушбу ҳужжат муҳокамаси нафақат юртимиз, балки хорижий наешлар журналистларининг ҳам нигоҳида турибди. ”

ҳам зўравонликка учраш ҳолатлари кўп кузатиляпти.

Яқинда интернет тармоғида ўз фарзандига ана шундай шафқатсиз муносабатда бўлган отанинг қилмиши ҳаммамизни жунбишга келтирди. Табиийки, ота бу қилмиши учун қонун олдида жавобгарликка тортилди. Аммо миллий қадриятларимиз ва ўзликларимизга ёт бўлган бундай қилмишларга асло тоқат қилиб бўлмайди. Шу боис, давлат ва нодавлат ташкилотлар, кенг жамоатчилик бундай ҳолатларга қарши курашмоқда.

Давлат дастури лойиҳасида ҳам бу муаммоларга алоҳида эътибор берилгани ва бу йўналишдаги чора-тадбирлар кучайтирилиши белгилангани айни мундодир. Хусусан, болаларни таълим ва зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилишда давлат органлари ваколатини аниқ белгилаш, болаларга нисбатан бундай ҳолатларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, таълимчиларга чек қўйиш механизмни такомиллаштириш, таълим ва зўравонликка учраган болаларга комплекс ёрдам кўрсатишни йўлга қўйиш бўйича халқроқ ҳужжатлар ва хорижий мамлакатлар амалиётини комплекс таҳлил қилиш, натижаси бўйича асосланган таклифлар тайёрлаш вазифаси белгиланган. Ишончимиз комилки, бу ғоя ва ташаббус халқимиз томонидан қўллаб-қувватланади.

Давлат хизматчиси, аввало, халқ хизматчиси бўлиши шарт

Янги таъхирдаги Конституциямизда Ўзбекистонга ҳуқуқий давлат, деган таъриф берилди ва шу асосда инсон ҳуқуқлари кафолатларига оид нормалар ҳам 3 баробар кўпайтирилди. Бу ишларнинг манфиқий давоми сифатида халқ хизматидаги давлатни барпо этиш вазифаси янги Ўзбекистон тараққийнинг асосий тамойилларидан бири этиб белгиланди. Хусусан, юртимиз тараққийнинг бугунги босқичида давлат хизматчиси, аввало, халқ хизматчиси бўлиши шарт, деган ғоя юқори натижадорликка йўналтирилган давлат бошқаруви тизimini яратишда ислохотларнинг асосий талабига айланди.

Кейинги йилларда юртимизда кенг қамровли чора-тадбирлар қўрилмоқда. Натижада давлат хизматчиларини тайёрлашнинг янги тизими шаклланди, бошқарув кадрларини танлаш, уларни ишга қабул қилиш, ривожлантириш ва лавозимда ўстириш бўйича янги мактаб яратилди. Давлат дастури лойиҳасида бу йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтариш бўйича қатор вазифалар ўз аксини топган. Хусусан, давлат фуқаролик хизматини меритократия, ҳалоллик ва профессионализм тамойиллари асосида ташкил этиш асосий мезон этиб белгиланган.

Бу борадаги муҳим вазифалардан бири Давлат фуқаролик хизматини 2030 йилгача ривожлантириш бўйича стратегия ишлаб чиқишидир. — Бугун юртимиз демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланиб бормоқда, — дейди Президент ҳузуридagi Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги департамент мудири Алишер Эранов. — Ислохотлар бардавом бўлиши, халқимиз кўзлаган юксак марраларга эришиш учун, аввало, давлат бошқаруви тизimini замон талаблари даражасига олиб чиқиш устувор вазифадир. Ушбу мақсадларга эришиш кўп жиҳатдан давлат хизматчиларининг билими ва соҳага бағлиқлик, Зеро, бугунги кун давлат



Лутфулла СУВОНОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

ўзгаришларга бефарқ эмаслигини кўрсатади. Лойиҳада 2024 йил 1 мартдан бошлаб ёшларни чет тиллари ва касб-ҳунарга ўқитиш мақсадларига "Ёшлар дафтари" жамғармаси маблағларидан йўналтириш, ёшларни замонавий касбларга ўқитиш бўйича "Устоз" махсус платформасини ишга тушириш ва дастлабки босқичда мазкур платформа орқали 150 минг ёшнинг қамраб олиш режаси долзарб саналади.

Яна бир муҳим жиҳат: хотин-қизларни тадбиркорлик, маркетинг, график-дизайн каби замонавий касбларга ўргатиш учун "Қизлар академияси" платформасини ишга тушириш орқали тури танлов, лойиҳалар, ўқув оромгоҳлари, стажировкалар ташкил этиш ҳам ёшлар бандлигини таъминлаш, маълум бир касбга йўналтиришга замин яратиши билан амалга аҳамиятли.

Бу йилги давлат дастури лойиҳасида глобал аҳамиятга эга бўлган экологик вазият

ва атроф-муҳит муҳофазасига алоҳида урғу берилган. Хусусан, лойиҳада кўра, 2024 йил 1 мартдан бошлаб ҳудудларга чанг бўрони содир бўлаётганда ва ҳаво таркибиди майда дисперс зарралари белгиланган нормадан юқори бўлгани аниқланганда аҳоли, айниқса, юрак, қон-томир ва нафас йўллари касалликларига чалинган фуқароларни зарур профилактик чоралар тўғрисида доимий хабардор қилиш амалиёти йўлга қўйилади. Шунингдек, 500 ва ундан ортқ квадрат метрлик қурилиш майдонига, унга кириб-чиқиб йўлларида чанг ва кўм зарраларининг ҳавога кўтарилишини бартараф этиш бўйича мажбурий талаблар жорий этилади.

— Давлат дастури лойиҳасида белгиланган вазифалардан яна бири 2024 йилда "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида камиди 200 миллион туп манзарали ва мевали дарахт кўчатлари ҳамда буталар экиш, 444 та яшил боғлар барпо этиш масаласи ўта долзарблиги билан эътиборини тортди, — дейди эксперт Авазбек Холбеков. — Шу билан бирга, кенг жамоатчилик вакиллари ва экофаолларнинг экологияга автомобиллардан чиқинди газлар таъсирини камайтириш мақсадида Тошкент шаҳрида ойнанг бир иш қуни давомида автомобиллар ҳаракатланганини қисқартиришга қаратилган "Автомобилсиз кун" жамоатчилик лойиҳасини амалга ошириш тўғрисидаги таклифлари маъқулланиб, давлат дастуридан ўрин олгани ҳам аҳамиятли. Бунда биноси Тошкент шаҳрида жойлашган барча республика ва ҳудудий ижро этувчи органлар раҳбарлари ва ходимлари жамоат транспортини да иш жойига келиши орқали аҳолига намуна кўрсатади.

Бир сўз билан айтганда, давлат дастури лойиҳасига берадиган таклиф ва муносабатлар "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида белгиланган кенг қўллаб-қувватлаш ва вазифаларни жорий йилда самарали амалга ошириш, халқимизнинг кундалик ҳаётида ижобий ўзгаришларга эришиш бўйича тизимли ҳаракатларни изчил давом эттиришга хизмат қилиши, эртанги юртимиз, фарзандларимиз камоли учун муҳим.



Баҳор ХИДИРОВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Бошланиши 1-бетда

Хусусан, жорий йилги давлат дастури лойиҳасида ҳам бу йўналишда кенг қамровли чора-тадбирлар белгиланган. Мактабгача таълим қамровини кенгайтириш, умумтаълим муассасаларининг моддий-техник салоҳиятини ошириш, педагогларнинг мақомини юксалтириш, умумтаълим мактабларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ҳамда санитария-гигиена инфратузилмасини такомиллаштириш борасида кўзда тутилган чора-тадбирлар шулар жумласидан.

Қувонарлики, бу йўналишда халқимизнинг эътирозига сабаб бўлаётган қатор долзарб масалалар ечимига оид лойиҳалар ҳам бор. Масалан, олис ва чекка ҳудудларда жойлашган 100 та умумий ўрта таълим муассасаси ўқувчилари учун бепул автобуслар қўйиш мақсад қилинган. Бу борада тажриба-синов тарихида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида 100 та умумий ўрта таълим мактабига олис ҳудудлардан қатнайдиغان ўқувчиларнинг автобусларини мактабга бўйича қатор вазифалар ўз аксини топган. Хусусан, давлат фуқаролик хизматини меритократия, ҳалоллик ва профессионализм тамойиллари асосида ташкил этиш асосий мезон этиб белгиланган.

Бу борадаги муҳим вазифалардан бири Давлат фуқаролик хизматини 2030 йилгача ривожлантириш бўйича стратегия ишлаб чиқишидир. — Бугун юртимиз демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланиб бормоқда, — дейди Президент ҳузуридagi Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги департамент мудири Алишер Эранов. — Ислохотлар бардавом бўлиши, халқимиз кўзлаган юксак марраларга эришиш учун, аввало, давлат бошқаруви тизimini замон талаблари даражасига олиб чиқиш устувор вазифадир. Ушбу мақсадларга эришиш кўп жиҳатдан давлат хизматчиларининг билими ва соҳага бағлиқлик, Зеро, бугунги кун давлат





ОБОД МАНЗИЛ

МАҲАЛЛАДАГИ “ЛОЙ ЖАНГИ” ДА ФОЛИБ БЎЛГАНЛАР ҲИКОЯСИ

“МЕҲМОН КЕЛСА,
ХИЖОЛАТ БЎЛАРДИК”

Кузги ҳосилни йиғиштириб, деҳқончилик ортидан яхшигина даромад топган Иброҳим ота анчадан буюн ният қилиб ярған ишига бел боғлади. Ҳар кимни яхши кунга етказсин, дея тўнғич набирасини уйлантириш ҳаракатида тушди. Одатда бу тарафларда пишиқчилик даврида бирор бекорчи одамни топиш мушкул. Боиси, қишлоқда яшаётган ҳамма деҳқончилик билан машғул. Куз пайтида меҳнатлари самарасини саранжом қилиш пайида бўлади, тўйлар, асосан, шундан сўнг бошланади.

Иброҳим ота ҳам ҳосилни йиғиб, бозорда сотгач, анча кўнгли кўтарилди. Айниқса, пешона тери билан топилган пулларни белбоғига ўраркан, чўғи анчагина баландлиги боисми ёки бошқа сабаб, юриши анча дадиллашди. Қуда томон билан маслаҳатлашиб, тўй кунини белгилаб келганига ҳам ўн беш кундан ошиб қолди. Куз чекиниб, қиш кирган, ёмғирли кунлар бошланиб, кечга томон аёз таъсири сезилаётган пайлар эди. Қишлоқда маърака ўтказишнинг гашти бошқача. Ҳамма хизматга бел боғлаб, беминнат ёрдамга келеради. Қозон-ўчоқ, самовар ёрдаларини келтиришга барча бирдек бош қўшган. Эртаси куни азон палладан ошпазлар дошқозонларда ош дамлаб, тонг ёришмасдан ҳозирлаб қўйган. Жарчининг сахар чакриғидан сўнг узок-яқиндан бирин-кетин меҳмонлар кела бошлади. Катта ҳовли ўртасига кенг жой қилинган. Меҳмонларни кутиб оларкан,

Иброҳим ота гоҳ-гоҳида осмонга қараб қўярди. Тўй қизигида ёмғир ёғиб қолмаса бўлди эди, дея қовоғи осилган қора булутларга хавотирли назар ташларди. Бир оз ўтиб, қайдандир совуқ шамол турди. Тўйнинг авж палласи. Ер-ёр айрилиб, келинини кутиб олиш бошланди. Тўсатдан келган ёмғир эса барчасини барбод қилди. Қўлбола тортилган электр сими узилди, ҳофизнинг овози чиқмай қолди. Шатур-шутур ёғаётган жала бирпасда ҳамма жойини лой қилди. Энг қизиги, келини олиб келаётган машина йўл ўртасида лойга ботди-қолди. Қанча ҳаракат қилмасин, олдинга силиғи олмади. Тизза буйи лойдан енгил машинани чиқариб олишнинг ўзи бўлмади. Тўй соҳиблари резина этик олиб келиб, келинга кийдирганча бир амаллаб, янги хонадонга етаклади. Яхши кун билан табриқлаш истагида келган меҳмонлар кетай деса, ҳамма жойини

сув босиб, кўча лойга ботган. Кетмай деса, хижолатда. Баъзилари келганига пушаймон бўлиб, оёқ кийими сувга ботган бир аҳволда келиб борарди. Шу орада тоби қочган кекса кампирни тракторга миндириб, шифохонага олиб кетишди. Бунёд этилганига йиллар бўлган тиббиёт пунктининг аҳоли анча хароб, шифокорларнинг ўзига кўмак керак пайида бирор беморга ёрдам бериш ҳам мушкул. Шу боис, трактор ҳам кўп тўхтаб турмай, йўлини туман маркази томон давом эттирди.

Миришкор туманидаги “Олтин бошоқ” маҳалла фуқаролар йиғинида яқин-яқингача тўйлар шу тарзда ўтиб келаётганди. Ўтган 2023 йилда эса барчаси барҳам топди. Маҳалла “Обод хонадон — обод кўча — обод маҳалла” дастури доирасида янги қиёфага кирди.

— Ёшим етмишга яқинлашяптики, бу яқин орада бирор марта қишлоғимизга эйтибор қаратилганини эслолмайман, — дейди маҳалла нурунийларидан бири Иброҳим Тошқулов. — Бу ҳудудга аҳоли кўчиб чиққанига қирқ йилдан ошиб қолди. Шунча вақтдан буюн ўзимиз бир амаллаб электр тортидик. Қўлбола симёғочларимизни ҳар уч ойда алмаштиришга мажбур эдик. Кўчаларни айтмайсизми. Қишлоғимизга бир келган одам қайтиб келмасликка ҳаракат қиларди. Айниқса, қиш пайтлари аҳвол жудаям оғирлашарди. Салгина шамол эсиши билан чироқ ўчарди. Болаларимизга катта-катта этикларни кийдириб, мактабга жўнатардик, келгунича хавотирда эдик. Бирор жойда электр сими узилди, болалар билмасдан ушлаб олмасин, дея кўзимиз кўчада буларди. Ростини айтсам, маҳалламиз бунчалик обод бўлиб кетди, деб ўйламагандик. Бугун бизга кўчиликнинг ҳаваси келмоқда. Ҳеч бир шаҳар марказидан қолишмайди. Ишонмасангиз, кечки пайида келиб, қишлоғимизни бир кўринг, қанчалик чиройи очгани гувоҳи бўласиз. Бирорга эски симёғоч қолмади, ҳаммаси янгисига алмаштирилди. Ҳатто қуёшдан қувват оладиган кўча чироқларига ҳам ўрнатилди. Бундан мамнун бўлмай бўладими?

ЯНГИЛАНГАН ШИФО МАСКАНИ

Меҳмонали Тўраев тиббиёт техникумини тугатиб, ишга келганида маҳаллада шифокорлик пункти йўқ эди. Кейинчалик қишлоқ



Қишлоқ врачлик пункти сифатида янги бино барпо этилди.



Ҳозир тиббиёт муассасамиз шаҳардаги ҳеч бир шифохонадан қолишмайди.

врачлик пункти сифатида янги бино барпо этилди.

Учта қишлоқ аҳлига хизмат кўрсатиш учун бунёд этилган ҚВПда тиббиёт ходимлари етишмаслиги боис, бир ўзи ишларди. Гоҳида кечаси билан шу ерда ётиб қолиб, туни билан одамларнинг дардига дармон бўлишга интиларди. Кейинчалик қишлоқнинг уч-тўрт қизи хамшираликка ўқиб келиб, унга ёрдам берди. Аммо бино таъмиртаб бўлиб қолганди. Айниқса, куз-қиш фаслларида бу ерда ишлашнинг имкони бўлмай қолди. Биттагина хонага печка ўрнатилган, ўтин ёқиб иситилар, лекин беморларга шароит йўқ эди. Шундай бўлса-да, ўз касбига содиқлиги боис, хонадонма-хонадон юриб, одамларнинг дардига дармон бўлишдан тўхтамади.

— Маҳалламиз туман марказидан 35 километр олисда, — дейди Меҳмонали Тўраев. — Ҳудудда учта қишлоқ бўлиб, ҳаммаси тарқоқ жойлашган. Бир қишлоқдан иккин-

чисига бориш учун камида 10-12 километр йўл юриш керак. Шифокорлик пунктимиз эса яроқсиз ҳолга келиб қолган. Қиш кунларида беморларга кўмак бериш учун анча вақт йўқотиларди. Шунинг учун кўпинча шу ерда ётиб, одамларга ёрдам беришга ҳаракат қилардик. Гоҳида аҳоли оғир кишиларни қўшни маҳаллага ёки туман марказига жўнатишга мажбур бўлардик. Ёгингарчилик пайтлари қишлоқ оралаб юришнинг имкони бўлмасди. Анча йилдан буюн замонавий шифо масканимиз бўлиши орзусида юрардик. Ўтган йили эски пунктимиз ҳам янги қиёфага киргани биз, шифокорлар учун ҳам, аҳоли учун ҳам жуда яхши бўлди. Абгор бино таъмирланиб, хоналар тиббий хижоқлар билан таъминланди. Бундан ташқари, кундузги вақтда муолажа олиш учун шароитлар қилинди. Ҳозир тиббиёт муассасамиз шаҳардаги ҳеч бир шифохонадан қолишмайди.

САРГАРДОНЛИК ОРТДА ҚОЛДИ

— Маҳалламиз 2014 йилда ташкил этилган, — дейди “Олтин бошоқ” МФЙ раиси Холмурод Асадов. — Лекин ўн йилга яқин маҳалланинг тайинли идораси йўқ эди. У бинодан бунисига саргардон юрардик. Баъзан жой йўқлиги учун кўчада ишлаган вақтларимиз бўлди. Шукрки, ислохотлар шамоли бизга ҳам етиб келди. Ободончилик дастурига биринчи навбатда маҳалла идорасини куриб бериш киритилганини эшитиб қувондик. Ҳозир янги бинода муқобил энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда ишляпмиз. Ҳақиқатан, маҳалламиз обод манзилга айланди. Масалан, сув сақлаш ҳовузимиз яроқсиз ҳолга келиб қолгани боис, бир неча йилдан буюн ичимлик сувини анча олисдан ташиб келтирардик. Дастур доирасида ҳовуз таъмирланди. Бутунлай яроқсиз ҳолга келиб қолган симёғочларимиз ўрнига 200 та янги темир-бетон устун, 2 та янги трансформатор ўрнатилди, мавжуд учтаси жорий таъмирдан чиқарилди. 5 минг метрга янги электр сими тортилди. Билансизми, шу пайтгача маҳалламизда автобус ёки такси кутиб учин бирор жойда бекат бўлмаган. Янги бекат қурилиб, фойдаланишга топширилди. 1994 йилда бунёд этилган мактабимиз биноси қайта таъмирланиб, шу кунгача ишламай келаётган иситиш тизимлари тўлиқ янгиланди. Қиш пайтлари хоналар совуқ, болалар тез-тез касал бўларди. Бугун иссиққина синфда ўқиймоқда. Шунингдек, янги мини стадион, воркаут майдончаси қурилди. Нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш, тикувчилик цехлари очилди. 10 километрдан ортқ ички йўлга шағал ётқизилиб, тартибга келтирилди. Бир қисми асфальтланди. Умуман, нафақат маҳалламиз, балки кўнгиллариимиз ҳам обод бўлди. Шундай маҳалламиз борлигидан одамларимиз фахрланмоқда.

Маҳаллада дастур доирасида қилинган ишларни кўздан кечирарканмиз, ҳеч бир йўналиш эйтибордан четда қолмагани гувоҳи бўлдик. Бундан ташқари, каттагина бог яратилиб, экилган 16 мингдан ортқ дарахт ҳудуд кўрнига янада кўрк бағишлаб турибди. Муҳими, аҳоли фаровонлигидан хурсанд. Мақсад сари қилинган ҳаракат самараси бу ерда яшаётган ҳар бир кишининг юзида, кўзиде аяк эйтиб турганини англаш қийин эмас.

Албатта, “Обод хонадон — обод кўча — обод маҳалла” дастури бу билан тўхтаб қолмайди. Аксинча, ҳали кўп манзилларга чирой бериб, одамларни хушнуд этади.

Акбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Инсон қадрини учун



Баҳодир ЮСУПОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Наманган вилоятидаги Халқ қабулхонаси мудири

Халқ қабулхоналари жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи, уларга энг яқин, халқчил демократик институтга айланди. Зеро, ҳар бир муурожаат Халқ қабулхоналари томонидан чуқур таҳлил этилган ҳолда ўрганиб чиқилмоқда. Зарурат туғилганда эса бошқа тегишли давлат идоралари билан ҳамкорликда ҳал этиляпти. Айниқса, сайёр ва оммавий қабуллар ўтказиш, ёшлар билан мулоқотлар, жойлардаги муаммоларни чекка қишлоқларга бориб, уйма-уй юриб ўрганиш яхши самара бермоқда.

Халқ қабулхонаси вакиллари, энг аввало, муурожаат сабаби, уни юзага келтираётган омиллар, шарт-шароитларни тўлиқ кўриб чиқади. Бу эса, биринчидан, тақрири муурожаатларнинг олдини олади, иккинчидан, бир турдаги муурожаатларни ҳал қилиш амалиёти самардорлигини оширади. Ўзбекистон Президентининг Наманган вилоятидаги виртуал ва Халқ қабулхоналарига ўтган йили 89,1 мингта муурожаат келиб тушди. Муурожаатлар 2022 йилнинг мос даврга нисбатан 10 фоиз камайди.

Энг кўп муурожаат ичимлик суви, ички йўллар ва инфратузилмани яхшилаш каби маиший муаммолар юзасидан бўлди. Ўтган йили вилоят маҳаллаларига ажратилган 2,1

триллион сўмнинг мақсадли сарфланиши бу каби муаммоларни ечиш йўлидаги дастлабки қадамдир.

Яна бир муҳим янгилик Халқ қабулхоналари ҳузурида ҳуқуқшунослар, маҳалла раислари, зиёлилар, ижодкорлар, журналистлар ва блогерлардан таркиб топган “Халқ овози” жамоатчилиги кенгашлари фаолиятини самарали йўлга қўйиш мақсадида ижтимоий тармоқларда “Халқ билан мулоқот” гуруҳлари очилганидир.

Муурожаатлар билан ишлашда тизимли назорат ва ҳисоб бериш амалиёти муҳим аҳамиятга эга. Ана шу мақсадда энг кўп эътирозларга сабаб бўлаётган масалаларни муҳокама қилиш учун халқ депутатлари



ҳудудий кенгашларига секторлар ва ташкилотлар раҳбарларининг муурожаатлар билан ишлаш ҳолати юзасидан 58 та, ҳоким ёрдамчилари фаолиятининг натижадорлиги тўғрисида 180 та ахборот киритилди, 264 нафар раҳбарнинг ҳисоботи ешитилди.

Шунингдек, ўтган йилда қўлаб ташкилотларнинг муурожаатлар билан ишлаш фаолияти ўрганилди. Ўрганиш якунига кўра, тегишли давлат идоралари ва ташкилотларига 300 га яқин тақдимнома, 325 та

МУРОЖААТЛАР КЎПАЙИШИГА САБАБ

ҚАБУЛЛАРНИ ВАҚТИДА ЎТКАЗМАСЛИК, ФУҚАРОЛАРНИ ХАБАРДОР ҚИЛМАСЛИК, МАВҲУМ ЖАВОБЛАР

тақлиф ва қарийб 900 та кўрсатма берилди. Натижада 183 ходим огоҳлантирилди, 232 ходим интизомий, 136 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди, 14 ходим лавозимдан озод этилди.

Секторлар, давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг шахсий сайёр қабуллари Халқ қабулхоналари билан келишилган ва тасдиқланган жадваллар асосида ташкил этилмоқда. Хусусан, ўтган йили тўрт мингта яқин сайёр оммавий қабул ўтказилиб, фуқароларнинг 13 мингдан ортқ муурожаати қаноатлантирилди.

Таъкидлаш лозимки, қабулларнинг жойида ва вақтида ўтказилмаслиги, улардан фуқароларнинг беҳабарлиги юқори идораларга муурожаатлар кўпайишига сабаб бўлади. Қабулларда мавҳум, “қўриб чиқиш белгиланди”, “назоратга олинди”, шунингдек, бошқа идораларга “ваколатингиз доирасида кўриб чиқиб, муурожаатига жавоб йўллашингизни сўрайман”, каби жавоблар берилиши муурожаатлар охишининг яна бир сабабидир. Сайёр қабулларни тўғри ташкил этиш, ўтказиш ва самарали натижадорликка эришиш мақсадида вилоят Халқ қабулхонаси томонидан секторлар раҳбарларига тегишли кўрсатмалар бериб келинмоқда.

Ўтган йили бу йўналишда яна бир яхши аънаа йўлга қўйилди. Эндиликда сектор раҳбарлари томонидан сайёр қабуллар ўт-

казиладиган маҳаллага белгиланган муддатдан олдин борилиб, у ердаги аҳвол, аҳоли хонадонлари, муаммолар чуқур ўрганилгандан кейин қабуллар бошланипти.

2023 йили аҳоли муаммоларини ўрганиш тизимини такомиллаштириш ҳамда ушбу соҳадаги ишлар самардорлигини ошириш борасида ҳар бир туман ва шаҳарда танланган бир маҳаллани ижтимоий-иқтисодий юксалтириш, хусусан, шу маҳаллада яшовчи фуқароларнинг муаммоларини ҳал этиш орқали муурожаатларга барҳам бериш юзасидан тегишли тавсия ва дастурлар ишлаб чиқилди.

Хусусан, “Бир халқ қабулхонаси — бир маҳалла” мезони асосида Наманган шаҳрида “Яккатут”, Наманган туманида “Миришкор”, Косонсойда “Янги йўл”, Мингбулоқда “Қозоқовул”, Норинда “Юқори жўжа”, Понда “Ўрта марғизор”, Тўрақўрғонда “Бирлашган”, Уйчида “Соқу”, Учқўрғонда “Каттачек”, Чортоқда “Муस्ताқиллик”, Чустда “Қоратепа”, Давлатободда “Гулбод”, Янги Наманганда “Меҳнатобод” ва Янгиқўрғонда “Соҳибкор” маҳалла фуқаролар йиғинлари ташаббуси билан, кўчалар ободонлаштирилди, хонадонларнинг ташқи ва ички фасад қисми, томорқалари тартибга келтирилди.

Бундан ташқари, “Энг ораста хонадон”, “Энг гулзор хонадон”, “Энг китобхон хо-

надон”, “Энг спортсевар оила”, “Маҳалланинг энг билимдон боласи”, “Энг сермаҳсул ўқитувчи”, “Энг саховатли тадбиркор”, “Мини футбол: кўчаларо маҳалла биринчилиги” каби турли кўрик-танловлар ва спорт мусобақалари ўтказилди.

Мингбулоқ туманининг Қизилқум, Норин туманининг Қўшарик, Тўрақўрғон туманининг Зарбдор, Поп туманининг Нурубод, Уйчи туманининг Гулзор маҳаллаларида “Обод хонадон”, “Обод кўча” ва “Обод маҳалла” мезонлари асосида курилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Энг муҳими, ҳар бир хонадоннинг маънавий соҳадаги имкониятларини ривожлантириш орқали юксалишига эришиш бош мақсад қилиб олинди. Масалан, аҳолининг маънавияти ҳамда ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида намунавий тарзда хонадонларда китоб жавонлари ташкил этилди.

Бундан ташқари, аҳоли қизиқишлари асосида соғломлаштириш бурчлари пайдо бўлди. Унда турник, бокс қопи, шахмат-шашка ҳамда стол тенниси ўрнатилди, кўчаларда, ҳар бир хонадон олдида экологик маданиятни ошириш мақсадида чиқинди қутулари қўйилди.

Худудларда ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш, бу борадаги ишларни тарғиб қилиш мақсадида вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида уч авлод учрашуви ташкил этилаётгани ҳам ўз самарасини бермоқда.

Олдимизда турган яна бир муҳим вазифа маҳалла еттилиги кўмаги билан юртдошларимиз турли идораларга қатнаб, сарсон-саргардон бўлиб юришининг олдини олиш, муурожаатларни жойида, хонадонбай ўрганиш орқали ҳал этиш чораларини кўриш, энг муҳими, фаолият самардорлигини янада ошириш, халқ билан мулоқотни ташкил этишда давлат идоралари ва аҳоли орасида муस्ताҳкам кўприк вазифасини бажаришдир. Зеро, бу тузилма фуқаро ва давлат ўртасидаги адолатли, тезкор ва ишончли масканга айланиши керак.

Бу ҳаёт бизга омонат. Уни қандай яшаб ўтиш
Бўзимизга боғлиқ. Ҳаётда жисмонан соғлом бўлса-да, жамиятда ўз ўрнини топа олмаганлар қанча? Тўрт мучаси соғ бўла туриб, идорама-идорама ёрдам сўраб юрганлар-чи?

Аммо шундай инсонлар ҳам борки, бахтсиз ҳодиса туфайли юришдан бутунлай маҳрум бўлиб қолганига қарамай, ҳаётнинг ҳар бир лаҳзасини олий инъом деб билади. Яримтагина вужуди билан тиним билмай меҳнат қилади. Ҳар бир кунига шукрона айтади. Имкониятлари чекланган бўлса-да, амалдорларнинг эшиги олдида сарғайиб, кўмак сўрашни ўзига ор билади. Ҳатто берилган имтиёزلарни олишдан ҳам ниймандади. Сизга ҳикоя қилмоқчи бўлган қаҳрамонимиз — Юқори Чирчиқ туманида истиқомат қилувчи, биринчи гуруҳ ногирони Марат Курбонов ана шундай кўнгли кемтик, аммо шижоати банд инсонлардан бири.

Марат Курбонов 2003 йилда ўрта мактабни тугатиб, Юқори Чирчиқдаги иқтисодий коллежга ўқишга кирган. 2006 йилда тумандаги текстиль фабрикасига оператор бўлиб ишга жойлашди. Келажакни бунёд этиш йўлида ишлаб, пул йигди. Бу орада чирчиқлик ҳамшира Дилбар билан танишиб, кўп ўтмай оила қуришди. Қизи Аида дунёга келди. Ҳаммаси яхши кетаётганди. Аммо бахт ва бахтсизликнинг ораси бир қадам, дейишди. Шундай бахтиёр дамларда ўз ховлисидаги дарахдан гипос теришга чиққан Марат бехосдан оёғи сирпаниб, банд шохдан кулаб тушди... Барча кўргилликлар шундан сўнг бошланди. Шифокорлар текширувлардан кейин умуртқа

ларим билан ёлғиз қолдим. Болаларимни боқиш, кўпроқ пул топиш илминда ҳар қандай оғир меҳнатдан қочмадим. Бозорда, далада ишладим. Турмушдаги қийинчиликлар ва етишмовчиликлар фарзандларимни ҳам эрта улгайтирди.

Эҳ синглим, нимасини айтмай, ўша вақтларда “Бу аёл уч фарзанди билан ёлғиз қолди, болалари ёш, кийими, ўқиши, егулиги учун нимадир шароит қилиб берайлик, тиргак бўлайлик, ҳеч бўлмаса, савоб бўлади-ку”, дейдиган бирорта мард инсонни учратмадим.

Фарзандларим улгайиб, энди оғзим ошга етганда Маратжоним бу аҳволга тушди. Шифокорларга етиш учун ҳужжат олишимиз, ҳар йили қайта кўриқдан ўтишимиз ҳам жуда ташвишли ва асабозарликдан холи эмасди. Юра олмаслигини биллишса-да, ҳужжатларни оилаб чўзишарди. Эшиқларда дўхтир қабулини кутиб, ярим кунлаб сарғайиб, оч-наҳор қолиб кетардик. Аллоҳ бор экан, мана ёруғ кунларга ҳам етиб келдик.

Энди бизлар эмас, ҳоқимиятдагилар, маҳалла идорасидагилар “тинчимсизлар, яхшимсизлар”, деб ҳолимизни сўраб келишди. Аслида, бу кўн-

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

БИРЛАШСАК — ВАТАНМИЗ!



Инсон ерга ниҳол экиб, унинг баравж ўсиб кетишини, сояси ва мевасидан баҳраманд бўлишни ниёт қилади. Фарзанд ҳам ниҳолдан қийс. Унга болаликдан яхши таълим-тарбия бериб, келажак камолини кўришни, юксак фазилатлар эгаси бўлиб етишини истаймиз.

Бугун Ўзбекистон аталмиш катта бир оиланинг 65 фоизини ташкил қилган фарзандларидан эл-юрт умиди катта. Шу боис, ёш авлоднинг таълим олиши, касб-хунар эгаллаши учун кенг шароит ва имкониятлар яратиб берилмоқда.

Президентимиз “Ўзбекистоннинг ҳар бир фарзанди халқимизнинг бирдамлиги, мамлакат яхлитлиги учун курашиб яшашни ўз ҳаётининг маъноси деб билмоғи керак. Биз бир бўлсак — ягона халқимиз, бирлашсак — Ватанмиз”, дея ёшларга мурожаат қилмоқда, уларни уй-гоқликка чорламоқда.

Айни пайтда Андижон вилоятидаги салкам 3 миллион 400 нафарга яқин аҳолининг 800 мингини 14-30 ёшлилар ташкил қилади. Бу катта куч бўлиши билан бирга, ўқиш, тарбия,

ган қизиқишини ошириш мақсадида Балликчи туманидаги “Вебкнинг” ўқув марказида “Ибрат фарзандлари” лойиҳаси координаторлари ва лойиҳада иштирок этаётган ёшлар билан учрашув ташкил этилди. Учрашувда “Ибрат академия” мобил йловаси орқали ёшларга хорижий тилларни онлайн ўргатиб келаётган мутахассислар ёшларга тил ўрганишининг аҳамияти, хорижий тилларни ўзлаштиришда эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар ҳақида тренинг ўтказди.

Хафталик давомида ўтказилаётган тадбирлар янада кўр олди. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида Андижон шаҳридаги ҳарбий қисмда “Очиқ эшиқлар кунини” ўтказилди. Ёшлар ҳарбийлар ҳаёти, уларга яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишди. Бундан

“Қўрқма” қисқа метражли фильми намойиши ҳамда Ёшлар ишлари агентлигининг “Мутлола” лойиҳаси тақдими барчада катта таассурот қолдирди.

Андижон шаҳар Абу Али ибн Сино номидаги жамоатчилик тиббиёт техникумида профессионал таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида Ёшлар ишлари агентлиги кубоғи учун “Заковат” интеллектуал ўйини ҳам қизгин мунозараларга бой бўлди. Бундан ташқари, Қўрғонтепа туманида “Зукко китобхон”, Пахтаобод туманида “Қизлар марафони” ташкил этилиб, бу тадбирларнинг ҳар бирида 300 дан ортиқ ёшлар иштирок этди.

Хотин-қизлар ўртасида спортни ривожлантириш мақсадида туман ва шаҳарларда қизлар ўртасида “Ички ишлар бошқармаси бошлиғи кубоғи учун” волейбол мусобақаси ўтказилди. Ушбу мусобақаларда маҳаллаларда истиқомат қилувчи 30 ёшгача бўлган 2000 нафардан зиёд хотин-қизлар қамраб олинди.

Нафрат “Ёшлар ҳафталиги” доирасида, балки ҳар доим ёшларга эътибор қаратиш, улар билан мунтазам учрашувлар ташкил этиш, муаммоларини, тақлиби ва мулоҳазаларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

2023 йилнинг 23 декабрь куни Андижон вилояти ҳокими Шўҳратбек Абдурахмоновнинг ёшлар билан учрашуви бўлиб ўтган эди. Унда ёшлар вилоят раҳбари билан мулоқотга киришиб, ўз тақлиби ва мулоҳазаларини билдирганди. Улардан бири 12 ёшли Асадбек Розиков ўз маҳалласида кутубхона ташкил қилиш орзуси борлигини айтган.

Қарангки, қисқа фурсатда Асадбекнинг орзуси ушалди. Бугун Андижон туманининг Терактаги маҳалласида 12 ёшли ўқувчи раҳбарлигида маҳалла кутубхонаси бор.

Учрашувда Марҳамат туманидаги 40-умумтаълим мактаби ўқувчиси ёшларнинг давлат бошқарув органлари фаолиятини, умуман олганда, уларнинг қандай ишлашини ўз кўзи билан кўришни хоҳлашини билдирган эди. Мазкур тақлиф вилоят ҳокими томонидан қўллаб-қувватланган. Қуни кеча ушбу тумандаги бир гуруҳ фал ёшлар Андижон вилояти ҳокимлигига келди. Улар вилоят ҳокими ўринбосарлари, котибятилар ва гуруҳлар фаолияти билан яқиндан танишиб, ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олди.



ташқари, Хўжаобод туманидаги ҳарбий-дала ўқув майдонида Балликчи ва Булокбоши туманидаги профилактик ҳисобда турувчи ва жиноятчиликка мойиллиги бор ёшлар иштирокида бир кунлик ҳарбий машғулотлар ташкил этилди.

Ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг китобхонлик маданиятини ошириш ва китобхон ёшлар сафини кенгайтириш бугун яна долзарб тус олган масала. Андижон давлат университетида ёзувчи Жавлон Жовлиев асари асосида суратга олинган

Орализдаги одамлар

Бир ҳикмат ва бир ибрат



У ҳақида эшитганимда, тўғриси, аравачага “михланиб қолган” одам қандай қилиб бир йўла икки-уч касбининг бошини тутуди, деб ўйлаб қолдим. Лекин туман ҳокимлиги матбуот котиби Махлал Айтмагованинг “Опа, шу йигит ҳақида нимадир ёсангиз, унинг ҳаёти, меҳнати, матонат ёшларга ибрат бўлармики”, деган сўзларидан сўнг унинг ҳамроҳлигида Маратнинг уйига йўл олдим.

Қаҳрамонимиз яшайдиган Тараққиёт маҳалласи ички кўчаларидан ўтиб, йўл четидagi кичкинагина қосиблик дўконини олдида тўхтадик. “Бу Маратнинг ишончаси, у шу ерда ишлайди, уйдан бир километр олис, лекин ёзининг иссиғида ҳам, қишининг совуғида ҳам ишини қанда қилмайди”, деди ҳамроҳимиз.

Чоғроққина шинам ховлида бизни Марат Курбоновнинг аёли Дилбар ва укаси Ёдгорбек қарши олди. Марат худди эски қадрдони билан кўришгандай кўкс сўрашди. Оқ-сарикдан келган, истараси иссиқ бу йигит билан сўрашар эканман, унинг самимий нигоҳлари ортида аллақандай маъзурилиги илғадим.

Шу пайт дадасининг елкасига осилган қизалоқ унинг қулоғига нималарнидир шивирлади.

— Аида кўзимнинг оқу қораси. Унинг бегубор ва шодон қулгилари мени яшашга, кучли бўлишга ундайди. Бир вақтлар мен ҳам соғлом эдим. 2012 йилда рўй берган бахтсиз ҳодиса туфайли 12 йилдирик юра олмайман. Йиллаб даволандим. Дўхтирларнинг “Сиз оёққа туриб кетасиз, фақат спорт билан шугулланишингиз керак”, деган сўзларига ишониб, йиллар давомида тинимсиз ҳаракат қилдим, барча уринишларим тескари натижа берди, — дейди Марат. — Юриш нари турсин, янада бемажол бўлиб, қайта жарроҳлик столига ётдим. Бугунги имконияти чекланганларга яратилаётган шарт-шароитлар илгарироқ бўлганда эди. Қўлим калталиги, рўзгордаги йўқчилик туфайли ўз вақтида яхши даволана олмаганман. Лекин Худого минг шукрки, кеч бўлса-да, ҳукуматимизнинг биз каби ёрдамга муҳтожларга гамхўрлиги, Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлиги ва ўзим яшаб турган маҳалламнинг кўмағи билан кичик устaxonамга эга бўлдим. Қосиблик, чархчилик қиламан, эски велосипедларни тўзатаман. Насиб қилса, бу йил олий ўқув юртига ҳужжат топширмоқчиман.



У олти ой дам уйда, дам шифохоналарда қайта ва қайта даволанди. Шифокорнинг “Спорт билан шугулланинг, ҳаракат қилинг, албатта, юриб кетасиз”, деган гапларига ишониб, нақ 4 йил тинимсиз ҳаракат қилди. Аравачада қолиб кетишини, бир умр юра олмаслигини хаёлига ҳам келтира олмасди. У чеккан азобларини кўрган онаизори ва аёли пана-пананда жим кўз ёш тўққани ҳам чин.

Самарасиз ҳаракатлар оқибатида белига кўйилган бириктирувчи механизм қийшайиб кетиб, яна жарроҳлик столига ётишга мажбур бўлди. Қайта операция чоғида белига кўйилган болғовчи жисмини олиб ташлашди. Шундан сўнг соғлиги яна ортага кетди...

Марат билан билан суҳбатлашар эканман, унинг қилаётган ишлари, интилишлари ва эзгу ниётлари бир соғлом кишининг мақсадларидан тиниқроқ ва буюроқ эканига тан бераман. Яхшиям юртимизда кечаётган ислохотлар ёлқини у сингари ёшлар ҳаётига кечроқ бўлса ҳам ёруғлик, орзуларига кенг қанот берди. Онаси Ўғилбой опа билан бўлган суҳбатимиз эса жуда маҳзун кайфиятда ўтди. Гудлек ёшлигини тул аёл сиймосида да яшаб ўтган, ҳаётнинг минг битта зарбасидан, меҳрсизликдан, ноҳақликдан кўкси зардобга тўлган онахонинг мунгли ҳикояси нечоғлиқ аянчилик бўлмасин, қоғозга туширишга мажбуримиз. Зеро, қаноат ортида фароғат, машаққат сўнггида роҳат, шукроналик изидан саодатли кунлар келишини ҳамма ҳам билмавермайди. Билса ҳам, борига шукр, йўғига сабр қилишга журъати, саботи етмайди. Шунинг учун ҳам онахонининг ўтмишини, ҳар қандай ҳолатда ҳам турмуш тарзига шукрона келтириб яшаганини ва фарзандларини ҳам меҳнатта чорлаганини бир ҳикмат, баъзилар учун эса керакли ибрат, дея қоғозга кўчиравердик.

— Аслида, болаларимнинг болалиги тўқки ва текис ўтмаган. Турмуш ўртоғим оламдан ўтгач, катта ўғлим 6 ёшда, Маратим 4 ёшда, кенжам туғилиш арасида бева қолдим. Кекса қайнотам ва қайнонам ҳам турмуш ўртоғимнинг эрта вафотига чидай олмади, куйиб, қағди дол бўлиб, вафот этди. Кенг ховлида вояга етмаган фарзанд-

гил бир оғиз ширин сўзга маҳтал. Ўғлим жамият кўршовида ва соғлом ҳаётда ўзини анча ўнглаб олди. Рухияти ҳам тетик. Бир соғлом одамдан асло кам эмас. Шунинг учун ҳам ўғлимни ногирон деб ҳисобламайман, — дейди Ўғилбой опа.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ислохотлар аниқ Марат каби инсонларга кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Отангга бор, онангга бор, деб оилаб овороар сарсон бўлишлар, баъзи бир раҳбарларнинг биргина имзосига маҳтал бўлиб қутишларга барҳам берилди.

Ўғилбой опа билан узоқ суҳбатимиздан сўнг хайрлашиш учун яна унинг хонасига кирдим. У менга самимий табассум билан боқар экан, гапини шундай аяқлади:

— Опа, бир нарсани очиб айтишим керак, буни газетангизда, албатта, ёзиб чиқаринг. Бундан 10 йиллар аввал юқори лавозимда ишлайдиган каттақонлардан бирортаси ҳам дарвозамизни таққиллаб, кўнгли сўраб, ҳол сўраб келмаган, ёрдам бермаган. Ёлғон бўлмасин, ўша вақтдаги ишончамиз раҳбари раҳми келганиданимиз ёки одамгарчиликданми, бир-икки марта ёрдам бергандай бўлди.

— Қўлим калталиги, рўзгордаги йўқчилик туфайли вақтида яхши даволана олмадим, — дейди Марат Курбонов. — Биз учун бутун ҳаётини бағишлаган онам, кўнгли кўйиб, орзу-ҳаваслар билан менга умрини баҳшида этган рафиқам, бир ёшида “дадажон”, дея тил чиқарган-у, аммо елкамда опичиб юра олмаган ёлғиз қизимнинг орзуларини рўёбга чиқариш учун ҳам ногиронман, демасдан тану жони соғ одамлардай меҳнат қилишман.

Уйдагилар “Кўй, уринма, ўзингни асра”, дейишса, хўп, дейман-у, жим ўтира олмайман. Қўни-қўшини ва бошқа маҳалладагилар ҳам эшигимни қоқиб келаверади. 2015 йилда йиққан пулимга аравача сотиб олдим. Унгача уйда судралиб юрдим. Ҳовлига қиши азобини-ку, айтмай қўя қолай.

Бир ёқда онам, бир ёқда турмуш ўртоғим, акам ва укам мени деб анча қийналди. Шундай вақтларда қаерга боришни, кимдан ёрдам кутишни билмай қолганман. 2022 йилда эса давлатимиз томонидан яна битта бепул аравача берилди. Аслида, ҳаммамиз бу синовли дунёда ожимиз. Бироқ бугун ниётларим мўл, устaxonамда миҳозларим кўп. Ҳатто шогирдларим ҳам бор. Ўзимни фақат оиламга эмас, жамиятга ҳам керакли эканимни ҳис қилганимда баъзан кўзларимга ёш келади. Лекин бу илгаригидек ҳўрлик эмас, рўшнолик кўз ёшлари! Яқинларимдан бошқа ҳеч кимга кераксизман, деб ўйлаб, ўз дардимга ўзим қоралиб яшардим. Энди эса мени, оиламни, фарзандимни ўйлаб, биз учун гамхўрлик қиладиган, қайғурадиган, бошимизни сийлайдиган суянчигимиз — давлатимиз раҳбари бор! Шу боис, эгилган бошим ҳам, қағдим ҳам тикланаяпти. Аминманки, мен шу юртга керакман!

Марат билан суҳбатлашар эканман, бир ҳақиқатни англаб етдим. Ҳаётга теран ва соғлом тафаккур билан ёндашиш саломатликдан ҳам муҳимроқ экан. Фақатгина тўхтаб қолган ва ўзига ишонмаган инсонгина ҳамма нарсадан қуруқ қолади. Мақолаимиз қаҳрамони каби инсонлар ибрати мудроқ қалбларни уйғотиб, тийрак яшашга, яшаганда ҳам мазмуни яшашга, янгиланиш даврининг ҳар бир имкониятидан унглим ва самарали фойдаланишга ундайверади.

Гулиҷехра ДУРДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири
Тошкент вилояти



Туркий адабиёт дурдоналари

“ЮРАКЛАРГА ОҲАНГ СОЛГАН НАЙ БЎЛА ОЛСАМ...”

Мухтасар ТОЖИМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

2019 йил 15 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев шу кунни Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида бўлиб ўтган Туркий давлатлар ҳамкорлик кенгашининг еттинчи саммитида ташкилотга аъзо давлатлар адабиётининг энг сара намуналаридан иборат “Туркий адабиёт дурдоналари” номли 100 жилдлик китоблар туркумини ҳар бир мамлакатнинг она тилида нашр этиш ғоясини илгари сурган эди.



Зеро, ҳар бир сатрида жафокаш она халқининг дарду ҳасратини куйлаган, ойдин кунларини орзу қилган элпарвар шоир Самад Вурғун шеърини ҳали яна неча-неча авлод назм ихлосмандлари кўнглига эзгулик уруғини қадаб, уларни инсоний камолот йўлига бошлайверади.

“КЕЛУР НАВОГА КЎНГИЛ ФУРҚАТИНГДА ШОМУ САҲАР”

Мирза Ҳасан Қорабоғий XIX асрнинг иккинчи ярмида Озарбайжоннинг Қорабоғ вилоятига қарашли Шуша шаҳрида яшаб, ижод этган. Бу дилбар шоир Фузулий ва Навоийни ўзига бирдек устоз деб билган. Унинг ижодий меросида Навоий ва Бобур шеърининг оҳанглари илгаш у қадр мушкул эмас. Қорабоғий озарбайжон, форс ва ҳатто ўзбек тилида ҳам газаллар ёзган. Унинг форс ва озарбайжон тилларида битилган газал, маснавий, рубоий, қитъа, таркибанд, тахмис ва тамсиллардан таркиб топган умумий олти минг байтдан ортиқроқ келадиган девони мавжуд.

— Мирза Ҳасан Қорабоғийнинг газалларини ўзбек тилига ўғиртишга сабаб, шоир ўзини Алишер Навоийнинг шогирди деб билган ва мутафаккир бобомиз ижодини жуда қадрлаган, — дейди Мухиддин Омон. — У Навоийдан илҳомланиб, ўзбек тилида ҳам газаллар битган. Шоир газалларнинг асл сарчасмаси Алишер Навоий ижоди бўлгани учун уларни таржима қилиш у қадр қийин кечмади. Дарвоқе, унинг ўғли шоир Халил Юзбашов ҳам Навоий асарларини озарбайжон тилига таржима қилган. Ана шу жиҳатлар сабабли мен Мирза Ҳасан Қорабоғийнинг газалларини алоҳида эҳтиром билан таржима қилдим... Айниқса, унинг ёр ҳажрида интизорлик чекаётган ошик тилидан битилган мана бу мисралари жуда эди:

Кел, эй ҳаёнинг тини соли, ери гамазгорим, кел, Кел, эй аниси, дили зори беқарорим, кел! Келур навога кўнгли фурқатингда шому саҳар, Тугиб жаҳонни саросар, фиғон зорим, кел! Кетибдур сабру қарорим, йўқолмиш тобу табон, Кел, эй кўзум, азизим, тоқатим, қарорим, кел!

Устоз шоир Миртемир таржимасидаги бир шеърда озарбайжон шоири Самад Вурғун “Юракларга оҳанг солган най бўла олсам”, дейди. Мухиддин Омон каби моҳир таржимонлар ўзбек тилига ўғирган мисралар ҳам адабиётга шайдо юракларга оҳанг олиб кирсин, халқларнинг ўртасида дўстлик, бирдамлик ришталари янада мустаҳкам бўлсин, дейимиз.

Ушбу эзгу ташаббус асосида ўзбек ҳамда туркий тилда сўзлашувчи халқлар адабиётининг юксак намуналаридан халқимизни баҳраманд қилиш, улуг ота-боболаримиз ва туркий халқлар буюк алломалари, адибларининг бой адабий мероси, шунингдек, бугунги замонавий адабиётнинг сара намуналарини бир мажмуада жамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 26 сентябрдаги фармойишига мувофиқ, Туркий тилда сўзлашувчи давлатларнинг миллий адабиёти намуналаридан иборат 100 жилдлик “Туркий адабиёт дурдоналари” асарлар мажмуаси нашр этилди.

Мажмуани тайёрлашда 200 дан зиёд таржимон иштирок этди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан яна 100 дан ортиқ адабиётшунос ва матншунос олим, адиб, муҳаррир ва рассомлар нашрга тайёрлаш, чоп этиш ишларига жалб қилинди.

ҚАДИМИЙ ИЛДИЗЛАРИ ТУТАШ ҚАЛБЛАР ОҲИ-ЛА ЯНГРАДИ

— Мухташам мажмуанинг тақдими 2023 йили Боку шаҳрида ташкил этилган китоб кўргазма-ярмаркаси доирасида ҳамда Туркиядаги халқаро анжуманда юқори даражада ўтказилиб, халқаро эътирофга сазовор бўлди, — дейди “Ўзбекистон” нашриёти бош муҳаррири, шоир ва таржимон Мухиддин Омон. — Шахсан менинг ўзим ушбу мажмуадаги Озарбайжон халқ шоири Самад Вурғуннинг шеърларини масъул муҳаррир сифатида нашрга тайёрладим. Замонавий Озарбайжон шеърини антологияси учун эса XX аср бошларида яшаб ижод этган шоир Мирза Ҳасан Қорабоғийнинг газалларини ўзбек тилига таржима қилдим.

ЭЛПАРВАР ШОИРНИНГ ЎЛМАС МЕРОСИ

Мажмуада барча туркий тилли халқлар адабиёти вакилларига кенг ва муносиб ўрин берилган. Хусусан, жами 117 нафар шоир ва адибга алоҳида жилд ажратилган. 52 нафар ижодкорнинг асарлари ўзига замондош, услуби ва йўналиши жиҳатидан ақин ва ҳамонан бўлган бошқа адиб ва шоирлар билан битта жилдга киритилган. Мазкур 100 жилдликда жами 1018 нафар адиб ва шоирнинг ижодий ишлари қамраб олинган.

— Мажмуанинг ўзим муҳаррир сифатида нашрга тайёрлаган 63-жилдида атоқли озарбайжон шоири, драматург ва жамоат арбоби Самад Вурғун ижоди ўқувчилар хукмига ҳавола этилган, — дейди шоир ва таржимон Мухиддин Омон. — У 1943 йилда Озарбайжонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, 1945 йилда эса Озарбайжон Фанлар академияси академиги, 1955 йилда Озарбайжон халқ шоири унвонига сазовор бўлган. Шоирнинг ижодий фаолияти 1924 йилда бошланган. Оташ юракли ижодкор дастлаб озарбайжон шеърини кириб келадиган формализм кўринишларига қарши курашган. Фосусан, унинг “Шоирнинг қасами”, “Фонар” шеърини тўпламлари, “26”, “Басти”, “Толстон” ва “Муғон” дostonларида XX асрнинг 30-йилларидаги меҳнат ва кураш романтикаси ўз ифодасини топган.

ХАЛҚЛАР ЎРТАСИДАГИ ҚАРДОШЛИК ТҮЙҒУЛАРИ ТАРАННУМИ

Самад Вурғун ижодида “Воқиф” шеърини драматизация қилган. Унда XVIII асрда яшаган озарбайжон шоири Воқифнинг машаққатли ҳаёти ва ижодий фаолияти катта маҳорат билан тасвирланган. Шунингдек, Низомийнинг “Хусрав ва Ширин” дostonи асосида ёзилган “Фарҳод ва Ширин” драматизацияси ҳам озарбайжон театр санъати ривожига муҳим роль ўйнаган. “Хонлар” шеърини драматизация қилган. “Она сўзи”, “Ойгун”, “Негр сўзлайди” дostonлари ҳамда “Ёндирилган китоблар” шеърини тўплами шоирнинг халқ орасидаги шухратини янада оширди.

Инсонпарварлик, ватанпарварлик, халқлар ўртасидаги қардошлик ва дўстлик туйғуларини тараннум этиш Самад Вурғун ижодининг ғоявий асосларини ташкил этади.



Луқма

ТОШКЕНТДАН УЙ ОЛИШ КЕРАК



Ҳар ким фарзанди учун жон койитиб яшаркан-да. Қувватқул ака ҳам ўғли Панживой пойтахтга ўқишга киргандан кейин ташвишлари кўпайганини бот-бот таъкидлаб қўяди...

Аслида, бола деганнинг камҳарж пайти мактабда ўқийдиган даври бўларкан. Ёзининг охирида бир туққан қўйни со-

тиб, кийим-кечак қилиб берасиз, келгуси йилгача ўша қўйнинг боласи этилиб қолади. Уч ўғил кийимларни зинама-зина

қияверади — тўнғичга олиб берилганини кенжаотай йиртади. Бу ҳам оила қадрдонлиги фалсафаси.

Эх-ке, болалар ўқувчилик пайтларида осмонда учиб юрар экансиз — пул йиғмоқ, йиғилган пулга нимадир олишни ўйламоқ... Қувватқул ўшанда ўйлаган-у, лекин мўлжални сал бошқача олган экан. Ортирганга машина олиб, у эскирса, устига пул қўшиб, яна машина олиб ўшайверишди. Отасидан қолган 20 сотих ҳовли, қайнотаси берган беш-ўнта қорамол — ҳеч нарсани ўйламади. Ҳа, қардан биллибди бу мушудай болалар келажакда ўқишга қизиқиб, Тошкентга кетишини пойтхатдан уй керак бўлишини!

Ошнаси Қадамбой эса пишиқ чиққан, бир нимани билгандай, ўшанда эски “Жигули”сини сотиб, Тошкентдан уй олиб қўйганини қаранг-а! Бугун шу кўналгада ўғли яшапти. Қадамбойни у замонда ҳеч ким писанд қилмасди, лекин бугун қишлоқда манаман дейдиганларнинг ҳам Тошкентда уйи йўқ — борса, бирор қариндоши ёки танишининг эшигини тақиллатиб ўтиради.

Замон замонлигини қилади, вазиатдан келиб чиқиб, ҳаракат қилган яхши. Эҳтиёж токи қонмагунча, эҳтиёжлигича қолаверади. Хуллас, Тошкентдан уй керак! Қувватқул ака ҳам 20 бош қорамолнинг пулига машина пулини қўшиб, Панживойга уй олиб бериш учун Тошкентга келадиган бўлиб қариндошдан кўли йўқ, лекин кенжа божасиникига боришни афзал билди. Ҳовур сўмсасин деди, чала-чупла меҳмон бўлган бўлиб, божа нишдан келгунча уй қидирмоққа чиқди.

Шу кўп қаватли уйнинг ўзида бир эълон ёпиштирилган экан: “Продаётся квартира”. Уй эгаси рус бўлса керак, деб ўйлади аввалда. Ютина-ютина телефон қилди — қаерда, ўзимизнинг қорақўзгина ўзбек чиқди. Қувватқул акаки Тошкентга кунда келиб юрибдими, қаердан билсин бу шаҳарнинг одамлари рус тилида гапиришни обрў деб билшини. Содда Қувватқул-а!

Майли, деди-да, уй ҳақида гаплаган бўлди. “Қирк минг” эмис — сўраб-сўраб, сўмда қанча бетишини ҳам биллиб олди. Қийинласа, бўрби этадиган нарх. Кечга уйни қўришга келишиб олди.

Кечқурун меҳмондорчилик авжига чиқиб, уй кўриш ҳам ёддан кўтарилибди. Эртасига эрталаб ҳалиги одамга телефон қилиб, уйни кўргани борса, нарх “қирк икки минг”га айланлибди. Шундай бўлиб қолди-да, дейди. Қувватқулнинг отасидан қолган оdatи бор — буралатиб сўқади. Ҳамма нарсанинг вақт ўтган сари баҳоси пасайса, пойтхатдаги уйлarning нархи ой сайин, ҳафта сайин эмас, соат сайин ошаркан. Яна хиҳолат бўлиш ҳам йўқ — лўққайиб, шундай бўлиб қолди-да, бу бозор, деб тураверади. Божасининг айтишича, бундайлар уй эгаси эмасмиш, макларем, бир бало, дейилар экан.

Қувватқулнинг бундайлардан қўнгли қолиб, суриштира-суриштира янги уй қураётган бир қувучи фирмани топиб борди. Сотувчилари зап гапга ўқиган экан-да — тоза ҳавонинг ҳаммаси шу кўп қаватли уйда

бўларкан. Нархи ҳам 2 хонали уй учун ҳалиги “олибқочар”нинг айтганидан пастрок. Қувватқулнинг сал кўнгли ёришди. Бориб кўрайлик-чи деса, ҳалиги сотувчилар барибир гапга чечанлигини исбот қилди — ҳис-ҳаяжонсиз оҳангда айтди, икки йилларда қуриб топширишар экан. Энг қизиги — қорасувоқ ҳолатда. Ҳозир чуқури (котлаван) қазилляпти экан. Эҳ, Қувватқул... Шундайлар кўрганда ўзини ҳам шу чуқурга қўшиб юборгиси келаркан одам. Дунёда инсоф қолмадими ёки инсон қолмадими?

Қувватқулнинг кўзига қишлоқ магазинида тегиримон уни нархини 10 минг сўмга ошириб, одамлардан маломатат қолгач, яна эски нархда сота бошлаган Олтивой инсофлироқ кўринди. Ахир у одамларнинг имкониятини тушунган эди-да.

Ҳамма беш қўлини оғизга ураверса, қўл бажарадиган ишларни нима бажаради? Одамга ақл тўғрилиқ йўлида ишлатиш учун берилган. Бобоси шундай дер эди ҳар ҳолда.

Қувватқул ака ҳам Тошкентдан сотиб олиш учун уй изляпти, инсофли, диёнатли, уйга виждонини ҳам қўшиб сотмаётганларнинг уйини.

Жонибек АЛИЖОНОВ



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вазиrлар Маҳкамаси

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbотот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма — 343. 9725 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ, офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нархда.

“Колограк” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манлиси: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй. Босмаҳона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Муножат Мўминова Мусахҳиш: Насиба Абдуллаева Дизайнер: Хуриш Абдуллаев

Манзилими: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй